

Фан олимпиадаларининг II-босқичига старт берилди

Республика II-босқич талабалар Республика фан олимпиадасида 50 та мутахассислик ва 42 та умумкасбий фанлардан, жами 92 та фан бўйича фан олимпиадалари ўтказилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг 13 майдан 18 майгача давом этадиган Республика фан олимпиадасининг иккинчи босқичида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4 та фан бўйича олимпиадаларга мезбонлик қилмоқда. Жумладан “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси” умумкасбий фанидан 13-14 май, “Давлат кадастрлари” 15-16 май “Агросаноат комплекси иқтисодиёти” 15-16 май, ҳамда “Қишлоқ хўжалиги машиналари” 17-18 май, кунлари мутахассислик фанларидан бўлиб ўтади.

13-14 май кунлари “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси” фанидан олимпиадага старт берилди, жами 7 та институт ва университетлардан қатнашмоқда. Республика фан олимпиадасининг иккинчи босқичи юқори савияда ташкил этилди. 6 кун давом этиши режалаштирилган Республика фан олимпиадасининг иккинчи босқичида 4 та фан бўйича талабалар ўз билимларини синовдан ўтказади.



**Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими методисти
З.Темирова ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**